

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУДУДИЙ МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ ВА УНДА МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ ЗАРУРАТИ

Зухра Ахмедова, Мухриддин Бахтиёрлов, Хотам Зиямутдинов
ТДИУ СММТ-77 гуруҳ талабалари

Худудий молиявий сиёсат шаклланиши Ўзбекистон шароитида миллий молиявий сиёсатдан кескин фарқланмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири Ўзбекистоннинг унитар давлат сифатидаги тузилишга асосланган иқтисодиётга эгаллиги билан баҳоланади. Бу эса, худудий молиявий стратегияни ишлаб чиқишда эътибор берилиши лозим бўлган муҳим омил ҳисобланади.

Молиявий сиёсатга нисбатан Т.Маликов ва А.Вахобов молиявий сиёсатнинг таркибий бўғинига қуйидагиларни киритадилар¹: бюджет, солиқ, пул, кредит, баҳо, инвестиция, ижтимоий-молиявий ва бож сиёсати шулар жумласидандир.

Молиявий сиёсатнинг юқорида келтирилган таркибий бўғинлари миллий иқтисодиёт миқёсида амал қилиши назарда тутилган. Мазкур сиёсатнинг айримларини худудлар кесимида амалга ошириш мамлакатимиз қонунчилиги ёки давлат тузилиши назарда тутилмайди. Масалан, пул сиёсати Ўзбекистон Республикаси худудида ягона орган – Марказий банк томонидан миллий валюта эмиссиясида амалга оширилади. Бунда худудий Марказий банк бошқармалари бундай ваколатга эга эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 124-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини республика Марказий банки бошқаради” деб белгиланган.

Бундай қонуннинг белгиланиши пул сиёсати худудий молиявий сиёсатнинг таркиби бўла олмаслигини англатади. Лекин кредит сиёсати тижорат банклари томонидан мустақил равишда олиб борилиши инобатга олинса, худуд нуқтаи назаридан тижорат банкларида алоҳида фоиз ставкалари жорий этилиши мумкин.

Шунингдек, бож сиёсати ҳам марказий органлар томонидан белгиланиши ва олиб борилиши нуқтаи назаридан худудий сиёсатнинг таркиби бўла олмайди. Жумладан, бож сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасида Олий Мажлис ваколатлари таркибида эканлиги келтирилган.

Фикримизча, худудий молиявий сиёсатнинг таркибига қуйидагиларни киритиш ва уларни худуд нуқтаи назаридан амалга оширишга нисбатан стратегияси ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ:

- бюджет солиқ сиёсати;
- кредит сиёсати;

¹ Вахобов А., Маликов Т. Молия. Дарслик. – Т.: ТМИ, “Ношир” нашриёти, 2011. – 712б.

– инвестиция сиёсати.

Бюджет солиқ сиёсатини ҳудудий молиявий сиёсатнинг таркиби сифатида амалга оширишда бюджет даромадларини шакллантиришдан ҳудудий манфаатдорлик ва харажатларни тақсимлашни либераллаштиришни таъминлаш асосий омил бўлиши лозим. Бунда давлат марказий органлари тартибга солиш тадбирларини амалга ошириши керак.

Ҳудудий потенциал ва унинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш орқали кредит ва инвестиция сиёсати юритиш муҳим масала ҳисобланади. Шу боисдан, биз тадқиқотимизнинг асосий йўналиши сифатида эътиборни ҳудудий бюджет-солиқ сиёсатининг устуворликларига қаратамиз.

Тадқиқотимизни ҳудудий молиявий сиёсатнинг шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишда олим ва мутахассисларнинг илмий асарларини ўрганиш билан давом эттирамиз. Ўзбекистонлик олимларнинг илмий асарларида ҳам ҳудудий молиявий сиёсатнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтилган. Хусусан, фискал сиёсатнинг назарий асослари тўғрисида Х.Асатуллаев қуйидаги илмий хулосаларни қайд этади²: “иқтисодий фан ва ривожланган мамлакатлар реал амалиётидан келиб чиқиб, давлат фискал сиёсатининг иқтисодий фаолликни кўрсатувчи иқтисодий ўсиш, инвестицион фаоллик ва бандликни рағбатлантирувчи назарий методологик, илмий асосланган ёндашувини ишлаб чиқиш. Бу мамлакатнинг тараққиёт даражаси, ҳудудий мутаносибликлар, бандлик, аҳоли истеъмол даражасини рағбатлантирувчи дастак ва воситаларни ҳисобга олишни тақозо қилади”.

Бу ерда фискал сиёсат иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида кўрсатиб ўтилган. Хусусан, иқтисодий ўсиш, инвестицион фаоллик ва бандликни таъминлаш вазифаларини бажариши назарий асосланган. Бу эса, ҳудудий нуқтаи назардан ҳам ўз моҳиятини сақлаб қолади, деган хулосани беради. Шу боисдан, фискал сиёсатни ҳудудий жиҳатдан ҳам такомиллаштириш иқтисодиётни эркинлаштириш шароитидаги асосий устуворликлардан бири ҳисобланади.

Э.Муминова ҳудудларни ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимларини акс эттирган илмий мақоласида қуйидагиларга эътибор қаратади³:

1. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини тузишда маълум тамойилларга асосланиш лозим:

– ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг мақсадлилиги;

² Асатуллаев Х.С. Тоштемиров Т.О. Иқтисодий фаоллик ва давлат фискал сиёсати: назария ва амалиёт уйғунлиги. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. 2-сон, апрель, 2019 йил.

³ Муминова Э.А. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 3сон, май-июнь, 2018 йил.

– ҳудудни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ресурсларни тўплаш ва йўналтириш;

– белгиланган ҳаракатни назорат қилиш ва тартибга солиш имкониятларининг очиклиги;

– ҳудуд ривожланишини қўллаб-қувватлашнинг индивидуаллиги.

2. Саноат корхоналари учун тегишли инфратузилмани етарли даражада ривожлантириш зурур.

3. Қишлоқ жойларда коммунал хизматларни тубдан яхшилаш, саноат корхоналари учун кадрлар тайёрлаш, уларни хомашё ва материаллар билан таъминлаш.

4. Ҳудудий инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги ишлаб чиқариш объектлари қуриш ва ўз вақтида ишга тушириш.

5. Уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатиш даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш лозим.

6. Ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий жиҳатдан ўзгартириш, замонавий агротехнологиялар ва сувдан тежамли фойдаланиш усулларини жорий этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Д.Рахмонов ҳудудларни ривожлантиришда инвестицион потенциални баҳолашни таклиф этади. Ҳудудларда асосий капиталга инвестициялар ва ялпи ҳудудий маҳсулотлар ўртасидаги ўзаро ижобий боғлиқликни таъминлаш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқлиги қайд этилади⁴:

– ҳудудга жалб этилаётган инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан улуши барқарор бўлишини таъминлаш;

– инвестицияларнинг ўтган йилга нисбатан ўзгариш тенденциялари кескин бўлишининг олдини олиш;

– инвестицияларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот яратишдаги ўрни ижобий бўлишини таъминлаш учун инвестициялар ҳажмининг ялпи маҳсулотга нисбатан улуши халқаро мезонлар бўйича бўлишини (25-40 фоиз) таъминлашга эътибор қаратиш;

– табиий-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда инвестицияларни жойлаштириш;

– ихтисослашув даражасини инобатга олиб, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш;

– рақобат устунлиги имкониятларини эътиборга олган ҳолда, инвестицияларни устувор соҳаларга жойлаштириш;

⁴ Рахмонов Д.А., Сулаймонов С.А. Ҳудудларнинг инвестицион потенциалини баҳолаш – инвестицияларни жалб этишнинг самарали йўллари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 1-сон, январь-февраль, 2019 йил.

– инвестициялар ҳажмига эмас, балки унинг иқтисодий ўсишдаги ижобий таъсирини эътиборга олиш.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини шакллантиришда солиқларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратган тадқиқотчилардан О.Мейлиев ўз хулосаларни асослаб берган⁵. Хусусан, унинг қуйидаги айрим хулосалари билан танишиш мумкин:

– маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида умумдавлат солиқларидан ажратмалар миқдорларини ҳар йили қайта кўриб ўзгартириш киритмай, ҳеч бўлмаганда 3 йилда бир марта ўзгартириш тартибини киритиш лозим;

– республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга бюджетлараро трансфертлар ажратиш тизими мавжудлиги уларнинг юқори бюджетга тобелигини билдиради. Бу ҳолат маҳаллий ҳокимият органларининг эркинлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини бермайди ва маҳаллий ҳокимият органларининг боқимандалигини кучайтиради.

Б.Норматов ҳудудларнинг молиявий сиёсатини шакллантиришда ҳудудларга мотивацияга сабаб бўлувчи омилларга эътибор қаратади⁶. “Ҳудудлардаги даромадлар базасини тўлиқ аниқлаш, турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги солиқлар тақсимооти ва бюджетлараро трансфертларнинг оптимал миқдорини белгилаш, солиқ тушумлари барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, илмий асосланган солиқ тушумлари прогнозини ишлаб чиқиш ҳудудий даромад сиёсати мотивациясининг муҳим жиҳатлари ҳисобланиб, ҳудудларнинг солиқ потенциалини баҳолашда муҳим ўрин тутади” деб таъкидлаб ўтади.

Юқорида келтириб ўтилган илмий асарларнинг хулоса маркази ҳудуднинг иқтисодиёт тараққиётини таъминлашга қаратилган. Уларда ҳудудий молиявий сиёсатнинг турли жиҳатларига эътибор берилган. Д.Рахмонов бюджет сиёсати ва инвестицион сиёсатнинг айрим жиҳатларига эътибор бериб, ҳудудий хусусиятлар юзасидан ўз илмий хулосаларини асослаб беради. О.Мейлиев эса, солиқларнинг ўрнини мустаҳкамлаш учун тартибга солувчи даромадларни ўзгартирмаслик ва бириктирилган солиқларни эса кўпайтиришни таклиф этади. Б.Норматов эса, бюджет давромадларини шакллантиришда ҳудудларга мотивация бериш йўллари тавсия этиб ўтади.

⁵ Мейлиев О.Р. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқларнинг аҳамиятини ошириш//Молия ва банк иши илмий электрон журнали. – Т.: БМА, 2020. 3-сон. 297-306-бетлар.

⁶ Норматов Б. Ҳудудий даромад сиёсати мотивациясининг муҳим жиҳатлари. //Бозор, пул ва кредит. 2019 йил. 3-сон. Электрон манба: <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/5130-bezkod-normatov-hududiy-daromad-siyosati-motivatsiyasining-muhim-jihatleri>

Д.Рахимова илмий асарларида ҳудудий иқтисодий сиёсатнинг айрим жиҳатлари бўйича тадқиқотлар олиб борган⁷. Хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда, мураккабликлар мавжуд бўлган ҳудудларда иқтисодий сиёсатни қуйидаги йўналишларда амалга оширишни тавсия этади:

- аниқ лойиҳалар доирасида қайтарилмайдиган субсидиялар шаклида молиявий ёрдамлар кўрсатиш;
- хорижий капитални (айниқса, эркин иқтисодий зоналарга) жалб этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича барқарор сиёсат олиб бориш;
- преференциялар режимини жорий этиш;
- инфратузилмани ривожлантириш.

Юқорида келтириб ўтилган олимларнинг илмий хулосаларидан кўриниб турибдики, ҳудудий молиявий сиёсатда унинг йўналишлари ва даромадлар базалари алоҳида ўрин тутар экан. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

Биринчидан, ҳудудий инвестиция сиёсатида ихтисослашув назариясини илгари суриш. Бунда Д.Рикардонинг нисбий устунлик ва ихтисослашув назариясига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Зотан, мамлакатимиз миқёсида вилоятлар/ҳудудлар ўртасида товар айирбошлашни шу қоидага асосан шакллантириш учун инвестицион фаолиятни унга уйғунлаштириш зарур, деб ўйлаймиз. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сонли “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши дастлабки муҳим қадамлардан бири бўлди. Фикримизча, ҳудудлар молиявий сиёсатини такомиллаштиришда инвестицион фаолиятни ихтисослашув устуворлигига уйғунлаштириш лозим.

Иккинчидан, бюджет-солиқ сиёсатини шакллантиришнинг ҳудудий йўналишларини ишлаб чиқишда фақатгина даромадлар базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратишнинг ўзи етарли бўлади, деб ҳисобламаймиз. Шу боисдан, ҳудудий жиҳатдан бюджет харажатларини амалга оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор бериш лозим.

Учинчидан, марказлашган молиявий ресурслар шаклланишида Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган молия бозорини ривожлантиришга эътибор қаратиш. Ҳудудларда маҳаллий облигацияларни эмиссия қилиш орқали маблағлар жалб этиш масаласи мураккаблик туғдириши мумкин. Шу боисдан, дастлаб бюджет маблағларининг бўш турган маблағларини депозитларга жойлаштириш бўйича ҳудудий ваколатларни кенгайтириш лозим, деб ўйлаймиз.

⁷ Рахимова Д. Зарубежный опыт государственного регулирования регионального развития. //Жамият ва бошқарув. – Т.: ДБА, 2019, 3(85)-сон. 133-139-бетлар.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 125-моддасига кўра, вақтинча бўш турган маблағларни Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига жойлаштириш ҳажми белгиланади. Фикримизча, ҳудудий бюджет-солиқ сиёсатини шакллантиришда харажатларни мустақил бошқариш имкониятларини жорий этиш молиявий стратегияни амалга оширишнинг асосий омилларидан сифатида хизмат қилади. Бу эса ягона ғазна ҳисобварағида ҳудудлар кесимида турган маблағлар ҳудудлар кесимида депозитларга жойлаштириш ваколатини тақдим этишни талаб этади. Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан маълум молиявий қоида ва мезонлар ишлаб чиқилиши ҳудудий молиявий мустақилликни тартибга солишга ёрдам беради.

Шу билан бирга, ҳудудий молиявий ваколатларни янада эркинлаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги ПФ-5283-сонли “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга биноан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлиги ва масъулиятини ошириш белгиланган бўлиб, асосий устуворлик сифатида бюджет даромадлари базасини мустаҳкамлашга урғу берилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон шароитида ҳудудий молиянинг шаклланиши марказий молиявий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб қолади. Шу боисдан, ҳудудий молиянинг молиявий стратегияси умумдавлат даражасидаги ислохотларга мослигини сақлаб қолиши ёки унинг доирасида амалга оширилиши лозим.

Фикримизча, ҳудудий молия шаклланишида бюджет-солиқ сиёсатининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Давлат тузилиши қандай бўлишидан қатъий назар фискал сиёсат долзарбликни сақлаб қолади. Асосий фарқли жиҳат сифатида унинг инструментларини амалга ошириш ваколатларининг тааллуқлилиқ даражаси билан ифодаланади.

Ҳудудий молия ва иқтисодиётнинг шакллантиришга нисбатан олим ва мутахассисларнинг илмий ёндашувларини таҳлил қилиб чиқишдан олдин, Ўзбекистон қонунчилигидаги мавжуд ҳолатларни ўрганиб чиқишга ҳаракат қиламиз. Маълумки, солиқ муносабатлари ҳудудларда фискал сиёсатнинг бирламчи омили сифатида намоён бўлади

Фикримизча, маҳаллий молиянинг ижросини таъминлашда ҳудудий давлат ҳокимияти органларида молиявий мустақиллик юзасидан дастлабки қадамлар қўйила бошлади. Бу эса, уларнинг фаолиятида молиявий стратегияни шакллантириш заруратини кўрсатиб беради. Шу боисдан, ҳудудий молиянинг шаклланиши ифодаланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. T.S. Malikov, O. Olimjonov. Moliya - O 'quv qo 'llanma. T.: "Iqtisod-moliya, 2012
2. T. Malikov, N. Haydarov. Davlat byudjeti - T.: " Iqtisod-moliya, 2007
3. A.Ваҳобов, Т.Маликов. Молия: дарслик. - Т.: Ношир, 2011
4. T.Malikov, N.Haydarov - Budjet daromadlari va xarajatlari. O 'quv qo 'llanma, Toshkent: "IQTISOD-MOLIYA, 2007
5. Т.С. Маликов, П.Т. Жалилов. Бюджет-солиқ сиёсати. - Тошкент: Академнашр, 2011
6. Malikov TS, Moliya HN. umumdavlat moliyasi./O 'quv qo 'llanma. Toshkent: "Iqtisod-moliya. 2009;556.
7. Т.Маликов, О.Олимжонов. Молиявий менежмент. - Т.: Академия, 1999
8. А.Ваҳобов, Т.Маликов. Молия: умумназарий масалалар - Ўқув қўлланма. Тошкент, "Iqtisod-moliya, 2008
9. Ваҳобов АВ, Маликов ТС. Молия. Дарслик/Тошкент Молия институти. Тошкент: "Шарқ. 2010;804.
10. Yunusovich OR. Abduazimova Farzona Axmadqul qizi. Davlat maqsadli jamg'armalarining mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishdagi ahamiyati. "Science and Education" Scientific Journal/ISSN. 2022 Jun:2181-0842.
11. Ўроқов, У. "Ғазначилик тизимида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари." (2017).
12. Ўроқов, У. "Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўллари." (2017).
13. Urokov, Uchqun Yunusovich, and Zulayho Abdujobir Qizi Tursunova. "Actual issues in the management of external debt." Science and Education 3.12 (2022): 1023-1029.
14. Ўроқов У Ғайбуллаев О.Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни: ўқув қўлланма. Тошкент: Vaktria press.–21 б, 2016
15. Ўроқов У. и др. Маҳаллий бюджетлар даромадларининг ўзига хос хусусиятлари манбаини оширишда инновацион менежментни ривожлантириш//Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 5-8.
16. У Ўроқов.Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш йўллари: И. ф. н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. Автор.2020
17. У Ўроқов.Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини оширишнинг ҳуқуқий асослари.- Science and Education, 2023. Т4, №5, 1550-1564
18. Ўроқов, У. Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақилигини оширишнинг замонавий муаммолари. "Молия тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва истикболлари". Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. ТМИ 2022йил, 27.

19. Ўроқов, У. Маҳаллий бюджетлар даромад базасини кенгайтириш масалалари.“. In Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли” мавзусидаги республика ўқув юртлараро конференция тўплами. ТМИ-2009 йил (Vol. 18).
20. Ўроқов, У. "Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари.«." (2017).
21. Ўроқов, У. "Маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини белгиловчи кўрсаткичлар.“." (2020).
22. Ўроқов, У. "Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишга оид назарий қарашлар.“." Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимида интеграциялашувни кучайтириш йўллари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция. ТМИ. 2020.
23. Уроков, У. "Маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини белгиловчи курсаткичлар."." Молия-кредит тизимининг иқтисодиётнинг реал сектори билан узаро муносабатларини институционал ривожлантириш" мавзусидаги халқаро (2020).
24. Ўроқов У. Ўзбекистон Республикасининг бюджет кодекси: моҳияти, аҳамияти ва афзалликлари.“. Молия” журнали. 2014.
25. Хайдаров Н. Давлат молиясини бошқариш. Т.:«Академия. 2005.
26. Ҳайдаров Н Т. Маликов-Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни. Ўқув қўлланма. 2007.
27. O G‘aybullayev, U O‘roqov.O ‘zbekiston Respublikasida budjet tizimi va jarayoni. O ‘quv qo‘llanma. - T.: Baktriapress, 2016